БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№81 (226) 2018 йил 16 октябрь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.




## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқот ва учрашувлар қардош халқларимизнинг кўп асрлик дўстлигини, ўзаро ҳурмат, қўллаб-қувватлаш ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга, икки томонлама фойдали ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Туркманистон Президентини оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Осиё-Тинч океани телерадиоэшиттирувчилар уюшмаси мукофоти соҳиби бўлгани билан самимий табриклади.

Жорий йил август ойида Авазада Туркманистон Президенти раислигида муваффақиятли ўтказилган Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси саммитининг самарали натижалари юқори баҳоланди. Экология масалалари, жумладан, Орол ҳалокати оқибатларини бартараф этиш Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Туркманистон Президенти давлатимиз раҳбарига самимий табрик учун миннатдорлик билдириб, икки томонлама муносабатлар изчил мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Савдо, ишлаб чиқариш кооперацияси, энергетика, самарали транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашувларни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Хусусан, жорий йил 14 октябрь куни Термиз шаҳрида Туркманистон ижодий жамоалари иштирокида концерт муваффақиятли ўтгани таъкидланди.

Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари қардош мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

**ЎзА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтириш, шунингдек, меҳнатига кам ҳақ тўланадиган ходимлар иш ҳақи миқдорини жадал равишда оширишни таъминлаш мақсадида:

1. 2018 йилнинг 1 ноябридан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилсин.

2. 2018 йилнинг 1 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 202 730 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 396 500 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 396 500 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 243 300 сўм миқдорида белгилансин.

*(Давоми 2-бетда)*

Параосиё ўйинлари – 2018

## Паралимпиячиларимизнинг Жакартадаги муваффақияти




*Батафсил 2-бетда ўқинг.*

Осойишта кунлар сурури









## Қуёшни кутиб оладиган қишлоқ

Ўзбекистон Швейцарияси, деб таъриф бериладиган Шоҳимардон қишлоғи юртимизнинг энг баҳаво, хушманзара масканларидан бири.

Шоҳимардоннинг ўзига хос шундай урф-одат ва анъаналари ҳам борки, асрлар оша авлоддан авлодга безавол ўтиб келмоқда. Тоғ одамлари ҳам қишлоқнинг ўзидек бағрикенг, самимий, меҳнаткаш. Уйига келган кишини ҳеч қачон «кимсиз, қаердансиз?» деб сўрамайди, аксинча, очиқ юз ва хушмуомала билан кутиб олади. Нонушта дастурхонига ниҳоятда мазали қаймоқ билан сариёғда пиширилган қатлама қўяди.

Қишлоққа сафаримиз давомида Абдураҳим ака Нишонов хонадонида суннат тўйида иштирок этдик. Тўй бўлаётган уй олдида барча йиғилган. Болажонлар идиш кўтариб олган. Эътиборлиси, бу ерда тўйхонага киришни биринчи бўлиб нуроний отахонлар бошлаб берар экан. Ҳамма бир вақтда ўтирганидан сўнг дастурхонга ош тортилди. Болаларга эса ўзлари билан олиб келган идишга ош солиб берилди. Кейин кураш мусобақаси бўлгани ҳам бизни ҳайратлантирди. Тўйбошининг яқин дўсти Муроджон ва ёрдонлик Бобуржон ўртасидаги беллашувни томоша қилиб, боқий қадриятларимизга тасаннолар айтдик. Бобуржон курашда рақибини енгиб, совринга қўйилган улоқчани қўлга киритди...

*(Давоми 2-бетда)*

## Кўп йиллик орзулар ушалмоқда

Куни кеча пойтахтимизнинг Сергели туманида ўз уй-жойига эга бўлмаган, имконияти чекланган 110 та оилага турар жой калитлари ҳамда туман ҳокимияти томонидан уй-жой билан таъминлангани тўғрисидаги сертификатлар топширилди.



Тантанали тадбирда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Ортиқхўжаев янги хонадон эгаларини қутлаб, бугун мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига етганини таъкидлади.

– Жорий йилнинг 26 январида уй сўраб, туман ҳокимиятига мурожаат қилган эдим. Мана орадан саккиз ой ўтар-ўтмас ўз орзуимга эришдим, – дейди янги уй соҳибаси Малика Эрдимова. – Фурсатдан фойдаланиб, бизни қўллаб-қувватлаб, мана шундай хайрли ишларни амалга оширишга бош-қош бўлиб турган Юртбошимизга миннатдорлик билдираман.

Тошкент шаҳри ҳокимлиги матбуот хизматининг хабар беришича, 2017 йил пойтахтимиздаги 104 та уй-жойга муҳтож оилага бепул ва бошланғич тўловларни тўлаб бериш асосида уйлар берилган бўлса, жорий йилнинг ўтган 9 ойида ижтимоий ҳимояга муҳтож 162 та оила ўз хонадонига кўчиб кирди.










Ўзбекистон делегацияси аъзолари III ёзги Параосиё ўйинлари давомида сузиш баҳсларида 2 марта жаҳон рекорди, 12 марта қитъа ва 13 марта Параосиё ўйинлари рекордларини янгилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

3. Белгилансинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2018 йилнинг 1 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг қуйи разрядлари тариф коэффициентларини ўртача 10 фоизга, шу жумладан, 1-разряд бўйича 15 фоизга, 2-разряд бўйича 10 фоизга ва 3-разряд бўйича 5 фоизга ошириш орқали меҳнатига кам ҳақ тўланадиган ходимларнинг иш ҳақи миқдорининг жадал равишда оширилишини кўзда тутган ҳолда 2019 йил 1 январдан Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан сақланадиган ташкилотларда банд бўлган универсал касблар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга доир разрядларни танқидий кўриб чиқсин ва 2019 йил 1 январидан уларнинг янгиланганларини жорий этсин;

халқаро молиявий институтлар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг унинг натижалари, бажарилаётган меҳнат функцияларининг мураккаблиги ва масъулияти билан янада узвий боғлиқлигини таъминлашни назарда тутадиган Бюджет ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш концепциясининг ишлаб чиқилишини ва 2019 йил 1 сентябрга қадар муддатда киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

6. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларга иш ҳақининг қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўланишини таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини энг кам иш ҳақига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига мазкур Фармоннинг қабул қилинишидан сўнг қўшимча харажатларни қоплаш учун тегишли бюджетлар параметрларига ўзгартириш киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-5469-сон Фармони унинг 6-банди истисно қилинган ҳолда 2018 йилнинг 1 ноябридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 октябрь





# Қуёшни кутиб оладиган қишлоқ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ҳа, Шоҳимардон полвонлар юрти сифатида ҳам машҳур. Марҳум Лочин полвон Усмонов қишлоқнинг фахри бўлган. Бугун ҳам қишлоқда кураги ер кўрмаган полвонлар кўп. Улар ота-боболари анъанасини давом эттириб, юртимиз спортини халқаро миқёсда тараннум этишга ҳисса қўшмоқда. Айни кунларда «Ёрдон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги якка курашга ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 40 дан зиёд ёшлар белбоғли кураш сирларини ўрганмоқда.

Шоҳимардонликларнинг яна бир сири – узоқ умр кўришида. Нуроний отахон ва онахонлар қишлоқнинг устунлари. 92 ёшни қарши олаётган Алламжон ота Рўзибоев хонадонида бўлиб, дилдан суҳбатлашдик. Отахон шу ёшида ҳам бардамлиги, хотираси тиниқлиги ва аскияга мойиллиги билан одамни ҳайратга солади. Баъзан кутилмаган саволлар билан суҳбатдошини шошириб ҳам қўяди. Тилида-ю дилида дориломон кунлар шукронаси.

Алламжон ота қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилган. Турмуш ўртоғи Нишонби ая билан 4 ўғил, 5 қизни улғайтирган. Ҳозир 25 набира ва 10 чевара ардоғида.

– Турмуш қурганимизга ҳам 60 йилдан ошди, – дейди Алламжон ота. – Бир кўз бўлиб, бирор марта сан-манга бормадик. Яратганга минг бор шукр. Ҳалол яшаб, тўғри ҳаёт қуриш, покиза кун кечиришда ҳикмат кўп. Менинг узоқ умр кўришимнинг асосий сабаби, кексалигим бугунгидай тинч-осойишта замонларга тўғри келганида-да! Етти қават кўрпачада эрка бўлиб ўтирибман. Доим яхши ният қилганман. Яхши ният одамни ҳар қандай қийинчилик, машаққатдан омон олиб ўтади, яхши кунларга етказади.

Қариси бор уйнинг – париси бор, дейдилар. Меҳмонга мунтазир файзу фариштали бундай хонадон дастурхонида ҳамиша қайноқ кўк чой, иссиқ нон, тансиқ таом бўлади. Остонаси ҳамма вақт покиза, саранжом-саришта турадиган ҳовли янги тушган келинчакдек ибо-ҳаё билан сизни қарши олади гўё. Энг муҳими, нурли сиймолар аждодлар ва авлодлар ўртасидаги мустаҳкам риштани боғлаб турувчи меҳригиё.

– Куёвлигидаги тўнни ҳали ҳам эгнидан қўймайди, – дея ҳазил қилади Нишонби ая ЎзА мухбири билан суҳбатда. – Янгиси кўп, лекин фақат шуни кийиб юради. Мен томорқа билан овораман. Чол гапи билан далда бўлиб туради-да.

Суҳбатимиз узоқ давом этди. Отахон дунёга тинчлик, элу юртга фаровонлик, ёшларга бахту камол тилаб дуо қилди.

Шоҳимардонликлар ҳар тонг қуёшни қарши олар экан, офтоб қалбларини нурга тўлдираётганидан чексиз ғурур туяди. Осойишта юртда, обод ва фаровон қишлоқда яшаш саодатига шукрона келтиради. Тинчлик сururидан яшнаган бўстоннинг истиқболи бундан-да ёруғ ва тароватли бўлиши шубҳасиз.

# Паралимпиячиларимизнинг Жакартадаги муваффақияти

Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўтказилган III ёзги Параосиё ўйинларида спортчиларимиз 35 олтин, 24 кумуш ва 18 бронза медалини қўлга киритиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида спортчиларимизни вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ота-оналар ва мухлислар кутиб олди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, қизиқиши ва интилишига кўра касб-ҳунар эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида юртимиз паралимпиячилари жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Параосиё ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб келаётир.

III ёзги Параосиё ўйинларида қитъамизнинг 43 мамлакатидан 3 мингга яқин паралимпиячи 18 спорт тури бўйича ғолиблик учун беллашди. Ўзбекистон терма жамоаси тарихда илк маротаба 54 нафар спортчи билан пауэрлифтинг, дзюдо, ўқ отиш, сузиш ва енгил атлетика бўйича баҳсларда иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон паралимпиячиларининг мазкур нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўришида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисидаги қарори муҳим дастуриламал бўлди. Қарорга кўра, спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, Параосиё ўйинларига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга тайёрланиши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилди.

– Параосиё ўйинларига жиддий ҳозирлик кўргандик, – дейди енгил атлетика бўйича олтин медаль соҳиби Ҳусниддин Норбеков. – Натижа ҳам кутилганидек бўлди. Ядро улоқтириш баҳсларида 10 йил давомида ўзгармай келган жаҳон рекордини янгилаб, ғолибликни қўлга киритдим. Халқаро майдонларда эришаётган ютуқларимизда Президентимиз раҳбарлигида спортни ривожлантириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва иқтидорини намоён этишига қаратилаётган улкан эътибор муҳим омил бўлмоқда. Эндиги мақсадим, Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиш.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари III ёзги Параосиё ўйинлари давомида сузиш баҳсларида 2 марта жаҳон рекорди, 12 марта қитъа ва 13 марта Параосиё ўйинлари рекордларини янгилади. Шунингдек, ўзбекистонлик енгил атлетикачилар томонидан 1 марта жаҳон, 2 марта Осиё, 9 марта Параосиё ўйинлари рекордлари ўрнатилди.

Бу каби нуфузли спорт мусобақасида учинчи маротаба иштирок этган Ўзбекистон делегацияси аъзолари Ватанимиз шаънини янада улуғлаб, озод ва обод юртимизда Паралимпия ҳаракати жадал суратларда тараққий этиб бораётганлигини амалда яна бир бор исботлади.

– Мусобақа кескин курашларга бой бўлди, – дейди дзюдо бўйича 81 килограммгача вазн тоифасида Параосиё чемпиони Нурбек Мирзаев. – Рақибларим кучли бўлишига қарамасдан уларни енгиб, олтин медалга сазовор бўлганимдан хурсандман. Орзуим 2020 йилда Япониянинг Токио шаҳрида ўтадиган XVI Паралимпия ўйинларида ҳам юқори натижаларга эришишдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Абдуҳакимов сўзга чиқди.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**






Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Эркинжон Турдимов Германиянинг RIMC Hotels and Resorts компанияси вакилларидан иборат делегацияни қабул қилди.

# Самарқандда замонавий меҳмонхона қурилади

Учрашувда вилоят ҳокими мамлакатимизда туризм соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу жараёнда инвесторлар учун яратилаётган имкониятлар, солиқ ва бошқа имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берди. Самарқандда туризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ва бунда хорижий компанияларнинг иштирокига тўхталди.

RIMC Hotels and Resorts компанияси халқаро меҳмонхона тармоғи ва бошқарув соҳасида фаолият юритади. Айни пайтда компаниянинг Германия, Австрия, Италия, Испания, Швейцария, Хитой ва бошқа мамлакатларда меҳмонхоналари мавжуд.

– Биз бошқа халқаро меҳмонхона тармоқлари каби барча меҳмонхоналарни бир хил эмас, балки ҳар бир ҳудудга мос тарзда ташкил этамиз, – дейди RIMC Hotels and Resorts компанияси бошқарувчиси Герт Прантнер ЎзА мухбири Ғолиб Ҳасановга. – Бунда ўша давлат ва халқнинг турмуш тарзи, анъаналарига, ҳудуднинг табиий иқлим шароитига эътибор қаратамиз. Ва, албатта, меҳмонхона ходимлари ҳам маҳаллий аҳолидан танлаб олинади. Биз, Самарқанднинг довруғига мос, сайёҳлар дидига ҳар томонлама маъқул меҳмонхона қуришни мақсад қилганмиз. Вилоят ҳокимлиги томонидан бизнинг таклифларимиз ижобий қабул қилинганидан хурсандмиз.

Учрашув давомида меҳмонлар Самарқанд вилоятида туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ҳам ўз таклифларини билдирди.

Делегация аъзолари Самарқанднинг тарихий обидалари ва бошқа диққатга сазовор масканларида бўлиб, шаҳарнинг туристик имкониятлари билан танишди.

Тиббиёт

# Аҳоли учун яна бир қулайлик

Бухоро тумани Хонобод қишлоғидаги оилавий поликлиника тубдан қайта реконструкция қилинди. Инвестиция дастурига мувофиқ, қурилиш-бунёдкорлик ишларига 1,6 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Оилавий поликлиника биноси ҳудуди кенгайди, муассаса хоналари сони 10 тадан 34 тага етди. Бу педиатр, жарроҳ, акушер-гинеколог, стоматолог шифокорларнинг беморларни тегишли тиббий асбоб ва ускуналар билан жиҳозланган алоҳида хизмат хоналарида қабул қилиш, шунингдек, аниқ ташхис қўйиш учун таҳлиллар олинадиган лаборатория ходимлари иш шароитини яхшилаш имконини берди. 6 ўринли кундузги даволаш бўлими ҳам қатор қулайликларга эга бўлди.

Поликлиникада тор мутахассислик бўйича 4 шифокор, 16 нафар патронаж ҳамширадан ташқари, 7 нафар ўрта махсус маълумотли ходим ҳудуддаги 10 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатаётир. Тиббий маскан таркибида ижтимоий дорихона, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли тез тиббий ёрдам шохобчаси ташкил этилган.

Мазкур бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси ходимлари аҳоли ўртасида репродуктив саломатлик, эрта никоҳнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу фуқароларнинг тиббий маданиятини ошириш, касалланиш даражасини пасайтиришга хизмат қилаётир.

– Ҳудудларда, жумладан, қишлоқ жойларда аҳолининг бирламчи тиббий-санитария муассасалари ёрдамидан кенг ва самарали фойдаланишини таъминлашга, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган янгича ёндашувлар асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси амбулатория-поликлиника хизмати бўйича бош мутахассиси Элёр Олтиев ЎзА мухбири Эркин Ёдгоровга. – Хусусан, «Обод қишлоқ» дастури доирасида Ромитан туманининг «Қалайчорбоғ», Олот туманининг «Усмоншайх», Қоракўл туманининг «Янгибозор» қишлоқ оилавий поликлиникалари ҳам янгидан қурилди. Туманларда 10 дан ортиқ тиббиёт муассасаси мукаммал таъмирланди. Ана шу мақсадларга салкам 15 миллиард сўмлик давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари сарфланди.

# Корея компаниялари юртимиздаги инвестиция лойиҳаларини кенгайтиради

## Тошкентда Ўзбекистон – Корея бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакат ишбилармон доираларининг 150 дан зиёд вакили иштирок этди.

Форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Ж. Хўжаев, Савдо-саноат палатаси раиси А. Икромов, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Л. Қудратов, Корея Республикасининг кичик ва ўрта бизнес ассоциацияси ва «Shingdon Resources» компанияси раиси Ким Ёнг Гу, Хвасон шаҳри савдо-саноат палатаси раиси Пак Сунг Квен ва бошқалар сўзга чиқди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг ишончли савдо ва инвестициявий шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам савдо ҳамкорлиги ўрнатилган. Ўзбекистонда кореялик ишбилармонлар сармояси иштирокида 460 дан зиёд корхона нефть-газ, кимё саноати, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, электротехника, логистика, тўқимачилик, ахборот технологиялари, тиббиёт, таълим ва бошқа соҳалар бўйича фаолият юритмоқда. Корея Республикасининг Ўзбекистонга йўналтирган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 7 миллиард АҚШ долларидан ошган.

Статистикага кўра, жорий йилнинг 9 ойида мамлакатларимиз ўртасида савдо айланмаси 34 фоизга ошиб, 1,28 миллиард долларни ташкил этган. Форумда бу рақамлар йил якунига қадар яна ошиши, яқин истиқболда томонлар савдо айланмасини 3 миллиард АҚШ долларига етказишни режалаштираётгани маълум қилинди.

Ташқи савдо вазири Ж. Хўжаевнинг сўзларига кўра, Ўзбекистонда йилига 20 миллион тоннадан зиёд мева-сабзавот етиштирилмоқда. Сифати юқори ва витаминларга бой бўлган маҳсулотларимизни Корея Республикасига тўғридан-тўғри етказиб бериш кенгаймоқда. Мева-сабзавот етказиб бериш ҳажмини ошириш мақсадида кореялик ҳамкорларга Ўзбекистонда карантин инфратузилмаларини ташкил этиш таклиф қилинмоқда. Шу билан бирга юртимиз Корея бозорига рангли ва нодир металлар етказиб беришга ҳам тайёр. Турли саноат тармоқларини модернизация қилиш мақсадида ўз навбатида, Кореядан юқори технологияли ускуналар импорт қилинади.

Мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий шароит кореялик ишбилармонларни тобора ўзига жалб қилмоқда. Бугунги кунда Кореядан 15 мингдан зиёд кичик корхона Ўзбекистонга келишга тайёр турибди. Форумда Корея Республикасининг Хвасон шаҳри савдо-саноат палатаси раиси Пак Сунг Квен шу ҳақда маълум қилди. Унинг таъкидлашича, ўртада шаклланган мустаҳкам иқтисодий муносабатлар бундан кейин ҳам ҳамкорлик қирраларини кенгайтириб боради.

Форумда мамлакатимиздаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги имкониятлар, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳақида маълумот берилди. Ҳамкорликда энергетика, қишлоқ хўжалиги, туризм, коммуникация, молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги қўшма дастурларни ишлаб чиқиш имкониятлари хусусида сўз юритилди, тақдимотлар ўтказилди.

Хусусан, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти раиси Б. Зарипов кореялик ишбилармонларни янги лойиҳалар билан таништирди. Маълум қилинишича, «Ўзқурилишматериаллари» АЖнинг ҳудудларда 100 дан зиёд корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш метериалларининг 10 фоиздан зиёди ушбу корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Форумда «Ўзқурилишматериаллари» сантехника жиҳозлари, керамика-гранит плиталарини ишлаб чиқариш бўйича кореялик ишбилармонларни ҳамкорликка таклиф этди.

Бизнес-форумда иштирок этган Корея Республикасининг «Indexs Global», «Samshin machinery co. ltd», «Duk-In», «Yezi Reflex», «Dongho Cosmo Co.Ltd.» каби компаниялари мамлакатимизда жаҳон бозорида талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича маҳаллий компаниялар билан ҳамкорликка тайёр эканини тасдиқлади.

– «Dongho Cosmo Co.Ltd.» компанияси раиси Че Ёнг Кимнинг тақдимоти бизда катта қизиқиш уйғотди, – дейди Учкўприк тумани ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик санаат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ж. Алижонов ЎзА мухбири Малоҳат Ҳусановага. – Ушбу компания Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Бугунги учрашувларда ушбу компанияни туманимиздаги маҳаллий корхоналар билан ҳамкорлик қилишга чақирдик.

Форум доирасида икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий битимлар имзоланди.



ООО ИК «Кишлок Курилиш Инвест» приглашает правомочных Участников к подаче своих тендерных предложений виде на осуществление строительства подъездных и внутримассивных сетей водоснабжения.

# ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ



## Приглашения на участие в тендерных торгах

**Республика Узбекистан**

**Программа «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**
**СТРОИТЕЛЬСТВО ПОДВОДЯЩИХ И ВНУТРИМАССИВНЫХ СЕТЕЙ ВОДОСНАБЖЕНИЯ**
**ПРОЕКТ № УЗБ-983.**
**№ Контракта/Тендерных торгов КФР-2018/1**

1. Республика Узбекистан подписала Заемное Соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации Программы «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» (далее – Программа) и намерена использовать часть финансовых средств на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельских местностях Республики Узбекистана в рамках Программы. ООО ИК «Кишлок Курилиш Инвест» («Заказчик») настоящим приглашает правомочных Участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подъездных и внутримассивных сетей водоснабжения. Срок строительства составляет шесть (6) месяцев.

2. Участники торгов могут подавать свои тендерные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложения.

3. Национальные Конкурсные Торги (НКТ) будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР для товаров и работ в рамках финансирование КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в Тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительные информации в Территориальном консалтинговом центре по ценообразованию по адресу ниже в течение рабочего времени от 10:00 до 17:00.

| Республика Каракалпакстан | Кашкадарьинская область | Самаркандская область |
|---|---|---|
| **Адрес:** г. Нукус, Гарезсизлик, 59а.<br>**Телефон:** (0 361) 222-74-12<br>**Факс:** (0 361) 222-74-12 | **Адрес:** г. Карши, ул. Узбекстанская, 60а.<br>**Телефон:** (0 375) 223-18-80<br>**Факс:** (0 375) 223-19-11 | **Адрес:** г. Самарканд, площадь Куксарой, 2д<br>**Телефон:** (0 366) 233-50-76<br>**Факс:** (0 366) 231-13-51 |
| **Сурхандарьинская область** | **Ферганская область** | **Ташкентская область** |
| **Адрес:** г. Термиз, ул.Тараккиёт, 36а.<br>**Телефон:** (0 376) 223-44-73<br>**Факс:** (0 376) 223-44-78 | **Адрес:** г. Фергана, ул. Ал-Фарғоний, 36<br>**Телефон:** (0 373) 244-68-91<br>**Факс:** (0 373) 224-68-92 | **Адрес:** г. Ташкент, ул. Навоий, 18<br>**Телефон:** (0 371) 241-15-22<br>**Факс:** (0 371) 241-15-32 |

5. Полный комплект тендерной документации на русском языке, может быть приобретен с правомочными участниками по представлению письменного заявления на организаторов торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 МЗРП.

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

| Республика Каракалпакстан | Кашкадарьинская область | Самаркандская область |
|---|---|---|
| АКБ «Капиталбанк»<br>Нукусский филиал<br>ИНН: 202610040<br>Р/с: 20210000903952518001 | АКБ «Узпромстройбанк»<br>Каршинский филиал<br>ИНН: 202453632<br>Р/с: 20210000903823711001 | АКБ «Алока банк»,<br>Самаркандский филиал<br>ИНН: 202 427 054<br>Р/с: 20 21 0000 803 783 329 001 |
| **Сурхандарьинская область** | **Ферганская область** | **Ташкентская область** |
| «Хамкор банк»<br>Термезский филиал<br>ИНН: 202 574 427<br>Р/с: 2021 0000 504 272 552 001 | АКБ «Инвест финанс банк» Ферганский городской филиал<br>ИНН: 202529457<br>Р/с: 20210000203767618001 | ОАКБ «Турон банк» ЦОУ<br>МФО 00446 ИНН: 300017720<br>Р/с: 20210000204546027001 |

6. Тендерные предложения должны быть представлены:
По вышеуказанному адресу
До истечения крайнего срока подачи предложения: **Согласно дате указанной в перечне контрактов**
Необходимо представить декларацию для тендерного предложения.
Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:

| Совет Министров Республики Каракалпакстан | Хокимият Кашкадарьинской области | Хокимият Самаркандской области |
|---|---|---|
| **Адрес:** г. Нукус, ул.Гарезсизлик, 50<br>**Телефон:** +0 (361) 222-74-12<br>**Факс:** +0 (361) 222-74-12 | **Адрес:** г. Карши, площадь Мустакиллик, 1.<br>**Телефон:** +0 (375) 221-02-38<br>**Факс:** +0 (375) 221-11-10 | **Адрес:** г. Самарканд, площадь Куксарой, 1.<br>**Телефон:** +0 (366) 233-25-93<br>**Факс:** +0 (366) 233-25-93 |
| **Хокимият Сурхандарьинской области** | **Хокимият Ферганской области** | **Хокимият Ташкентской области** |
| **Адрес:** г. Термез, площадь Ат-Термизий, 1.<br>**Телефон:** +0 (376) 224-24-83<br>**Факс:** +0 (376) 224-24-83 | **Адрес:** г. Фергана, ул. А.Навоий, 15<br>**Телефон:** +0 (373) 224-33-77<br>**Факс:** +0 (373) 222-33-77 | **Адрес:** г. Нурафшон, Хокимият<br>**Телефон:** +0 (371) 232-80-47<br>**Факс:** +0 (371) 232-80-42 |

7. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:

| Протяженность дороги | Требуемый среднегодовой оборот в строителстьве (сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (сум) | Опыт работ в схожих контрактах (сум) | Земляные работы, выполненные за последные 3 года ( $м^3$) | Бетонные работы, выполненные за последные 3 года ( $м^3$) | Работы строительству сетей водоснабжения, выполненные за последные 3 года ( п.м.) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 300 000 000,0 | 100 000 000,0 | 240 000 000,0 | 800,0 | 50,0 | 500,0 |
| 2 км | 600 000 000,0 | 200 000 000,0 | 480 000 000,0 | 1 600,0 | 100,0 | 1 000,0 |
| 3 км | 900 000 000,0 | 300 000 000,0 | 720 000 000,0 | 2 400,0 | 150,0 | 1 500,0 |
| 4 км | 1 200 000 000,0 | 400 000 000,0 | 960 000 000,0 | 3 200,0 | 200,0 | 2 000,0 |
| 5 км | 1500 000 000,0 | 500 000 000,0 | 1 200 000 000,0 | 4 000,0 | 250,0 | 2 500,0 |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращаются в закрытом виде.

## ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2018/1 ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**Программа «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**
**ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ**

| № лота | Район | Массив | Протяжённость сетей водоснабжения (км) | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| КФР-1 | Амударьинский, Берунийский, Турткульский, Элликкалынский | Олмазор, Янгиабод-1, Янгиабод-2, Янгиабод-3, Аскар, Коккоз,Хорезм,Уллыбог, Элликкалья, Навои, Ачакуль, Амиробод | 8,716 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-2 | Тахтакупрский, Нукусский, Кегейлинский, Караузякский, Чимбайский, Канликульский, Кунградский, Муйнакский, Тахиаташский, Ходжейлинский, Шуманайский | Кораой, Гарезсизлик, Окмангит, Кегейли, Кутлимакон, Бердак, Кончи, Кокчи кала, Дослык, Мынжарган, Канлы, Таллыозяк, Узынкуль-2, Узынкуль-3, Жайхун, Найманкуль, Тазабаз, Тоскупир, Кун нуры, Жана Кунград, Таза базар | 6,547 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| **Итого Республика Каракалпакстан** | | | 15,263 | |
| КФР-3 | Дехканабадский, Гузарский, Камашинский, Нишанский | Узбекистан, Амир Темур, Буюк карвон йули, Окгузар, Нуристан, Янгихаёт, Бунёдкор | 0,766/ 144 резервуар | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-4 | Касбинский, Мубаракский, Миришкарский | Дустлик, Хужа Касби-1, Тинчлик, Бобур, Курувчилар. Миришкор | 0,702/ 94 резервуар | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-5 | Касанский, Чиракчинский | Арабхона, Бойгунди-1, Насаф, Богунди-2, Навруз, Дам-2, Зарбдор, Хужакурган, Куктош, Корабурук, Кукдала, Жар | 1,044/ 150 резервуар | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-6 | Китабский | Янгиабод, Хужаиспароз, Алакуйлик, Рускишлоги | 2,970 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-7 | Китабский | Корабулак, Янгиабод, Бештерак | 1,315/ 20 резервуар | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-8 | Шахрисабзский | Келдихаёт, Мираки, Дустлик, Шовкан, Дукчи, Кумкишлок, Тудамайдон | 4,345 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-9 | Яккабагский | Кутонтепа, Айгиркул, Хужаилгор, Гуржаб, Куштегирмон, Кушчинор | 1,592/ 47 резервуар | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-10 | Каршинский | Богобод, Яккаёгоч, Батош, Човкай, Ковчин | 9,197 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-11 | Дехканабадский, Миришкарский, Гузарский, Касанский | Бешбулак, Узбекистан, Янги Жейнов, Янги Миришкор, Чандир, Буюк карвон, Мудин, Бойгунди, Пудина | 89 резервуар | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| **Итого Кашкадарьинская область** | | | 21,931/ 544 резервуар | |
| КФР-12 | Пастдаргомский, Нурабадский | Олтикахрамон, Янгиобод, Катортерак, Гузалкент, Камолат, Эски Жума, Нурабад, Жом | 4,710 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-13 | Пахтачинский, Нарпайский, Каттакурганский | Жахонобод, Амиробод, Ногорахона, Нарпай, Пайшанба, Пахтакор, Корадарё, Сарой, Зарафшон, Каттаминг, Пайшанба, Мадраса | 7,968 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-14 | Джамбайский, Булунгурский, Пайракский | Узуновул, Бешбола, Наймантепа, Хашдала, Булунгур, Губдин, Хатча, Булунгур, Бунёдкор, Гузал, Бирлашув, Ал Бухорий | 7,377 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-15 | Иштиханский, Кушрабадский, Акдарынский, | Кайчили, Бодой, Кутарма, Заркент, Куролос, Куролос, Янгихаёт, Кушёгоч, Мустакиллик, Мойкавок, Дахбед | 4,371 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-16 | Тайлякский, | Богизагон, Хужакишлок, Сарой, Ялонгоч, Жумабозор, Хитоюз, Тайлок, Сочак | 2,459 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-17 | Ургутский | Шопулот, Мерганча, Бойбул, Урамас, Алгар, Богишамол, Кенагас | 4,250 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-18 | Самаркандский | Гулобод, Паррандачилик, Ф.Косимова, Миришкор, Зарафшон, Гулобод | 3,712 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-19 | Самаркандский | Ок-буйро, Андижони, Янгиарик, Навобод, Навобод-1 | 1,990 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| **Итого Самаркандская область** | | | **36,837** | |
| КФР-20 | Ангорский, Жаркурганский, Термезский | Янги турмуш-1, Кораенток, Коракурсок, Нурафшон, Учкизил, Амударё спорт сагломлаштириш маркази, Амударё спорт сагломлаштириш маркази | 7,000 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-21 | Денауский, Олтинсайский, Узунский, Кумкурганский | Намуна, Хазарбог, Водий, Ипок, Ипок, Янгикуч, Жийдали-2, Янгишахар-2 | 3,468 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-22 | Музрабадский, Шерабадский, Кизирикский, Кумкурганский, Сариасийиский, Бойсунский | Нурли хаёт, Чумишли, Гурин гиламбоб, Етимкум, Шодлик, Богоро-2, Буйрапуш, Мутакиллик-1, Мустакиллик-2 | 5,994 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| **Итого Сурхандарьинская область** | | | **16,462** | |
| КФР-23 | Бешарикский, Дангарайский, Фуркатский | Халклар дустлиги дахаси-1, Халклар дустлиги-2,Юксалиш, Козикургон, Навбахор, Пишкарон, Чиркай, Минданобод-6 | 4,117 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-24 | Ёзёвонский, Кувинский, Риштанский, Тошлакский | Бахор, Тошховуз, Тинчлик, Кайкубод, Мингчинор, Марказий, Дахбед-1, Дахбед-2, Туда, Янгиобод, Бешкургон, Субвоши | 6,033 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-25 | Олтиарикский | Наваий-1, Наваий-2, Наваий-3, Капчугай, Кизилтепа, | 1,418 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-26 | Бувайдинский | Маслахат-1, Маслахат-2, Дехконобод, Куштепа | 3,536 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-27 | Ферганский | Миндонобод-4 | 2,356 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-28 | Богдадский, Сухский, Узбекистанский, Учкуприкский | Дустлик, Иттифок, Ойдинбулок, Тул, Истиклол, Хайдаробод, Хаётобод-1, Хаётобод-2, Янги хаёт, А.Навоий, Муллазоир-1, Муллазоир-2, Муллазоир-3, Мехнатобод | 3,452 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-29 | Куштепинский, Ферганский | Хумдон, Гиштимон, Дурмон, Минданобод-6 | 2,588 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| **Итого Ферганская область** | | | **23,500** | |
| КФР-30 | Бекабадский, Букинский | Багишамол, Такачи, Й.Ходжиматов, Ачамайли, Истиклол, Жағалабайли | 2,112 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-31 | Бостанлыкский, Паркентский, Юкоричирчикский | Истиклол, Дахана, Сойлик, Намуна, Истикбол, Чинарбулак, Жумабазар, Янгиобод, Истиклол, Сари-Қанли, Абай, Қоронкўл, Жовгашти, Нурли замин, Қизилсой, Барданкул, Истиқлал-1, Истиклал-2 | 11,644 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-32 | Зангиатинский, Ташкентский | Тариктешар, Туркистон, Улугбек, Гишткуприк, Хасанбай, Туркистан, А.Наваий | 6,127 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-33 | Кибрайский, Уртачирчикский, Охангаранский, Пискентский | Шалола, Янги авлод, Мехнат, Кутарма, Шаликор, Нурobод-телов, Наваий, Байткургон, А.Темур, Тошлоқ | 9,615 | 15 ноября 2018 года 10:00 |
| КФР-34 | Янгиюльский | Туябугиз, Коратепа, Янгийул, Ислохот, Гулбахор, Бахор | 5,111 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-35 | Чиназский, Куйичирчикский, Оккурганский | Бирлик, Сохибкор, Бирлик, Тукбай, Сурум, Ибрат, Султонобод, Тонг Юлдузи, Уччинор | 6,704 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| **Итого Ташкентская область** | | | 41,313 | |
| **ВСЕГО:** | | | **142,469** | |

Национальные Конкурсные Торги (НКТ) будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР для товаров и работ в рамках финансирование КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в Тендерных документациях.



## Приглашения на участие в тендерных торгах

**Республика Узбекистан**
**Программа «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**
**СТРОИТЕЛЬСТВО ПОДЪЕЗДНЫХ И ВНУТРИМАССИВНЫХ ДОРОГ**
**ПРОЕКТ № УЗБ-983.**
**№ Контракта/Тендерных торгов КФР-2018/2**

1. Республика Узбекистан подписала Заемное Соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации Программы «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» (далее – Программа) и намерена использовать часть финансовых средств на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельских местностях Республики Узбекистана в рамках Программы. ООО ИК «Кишлок Курилиш Инвест» («Заказчик») настоящим приглашает правомочных Участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подъездных и внутримассивных дорог. Срок строительства составляет семь (7) месяцев.

2. Участники торгов могут подавать свои тендерные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложении.

3. Национальные Конкурсные Торги (НКТ) будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР для товаров и работ в рамках финансирование КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в Тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительные информации в Территориальном консалтинговом центре по ценообразованию по адресу ниже в течение рабочего времени от 10:00 до 17:00.

| Республика Каракалпакстан | Кашкадарьинская область | Самаркандская область |
|---|---|---|
| **Адрес:** г. Нукус, ул. Гарезсизлик, 59а<br>**Телефон:** (0 361) 222-74-12<br>**Факс:** (0 361) 222-74-12 | **Адрес:** г. Карши, ул. Узбекистон, 60а.<br>**Телефон:** (0 375) 223-18-80<br>**Факс:** (0 375) 223-19-11 | **Адрес:** г. Самарканд, площадь Куксарой, 2д<br>**Телефон:** (0 366) 233-50-76<br>**Факс:** (0 366) 231-13-51 |
| **Сурхандарьинская область** | **Ферганская область** | **Ташкентская область** |
| **Адрес:** г. Термез, ул. Тараккиёт, 36а.<br>**Телефон:** (0 376) 223-44-73<br>**Факс:** (0 376) 223-44-78 | **Адрес:** г. Фергана, ул. Ал-Фаргоний, 36<br>**Телефон:** (0 373) 244-68-91<br>**Факс:** (0 373) 224-68-92 | Адрес: г. Ташкент, ул. Навои, 18<br>Телефон: (0 371) 241-15-22<br>Факс: (0 371) 241-15-32 |

5. Полный комплект тендерной документации на русском языке, может быть приобретен с правомочными участниками по представлению письменного заявления на организаторов торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 МЗРП.

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

| Республика Каракалпакстан | Кашкадарьинская область | Самаркандская область |
|---|---|---|
| АКБ «Капиталбанк»<br>Нукус филиал<br>ИНН: 202610040<br>Р/с: 20210000903952518001 | АКБ «Узпромстройбанк»<br>Каршинский филиал<br>ИНН: 202453632<br>Р/с: 20210000903823711001 | АКБ «Алока банк»,<br>Самаркандский филиал<br>ИНН: 202 427 054<br>Р/с: 20 21 0000 803 783 329 001 |
| **Сурхандарьинская область** | **Ферганская область** | **Ташкентская область** |
| АКБ «Хамкор банк»<br>Термезский филиал<br>ИНН: 202 574 427<br>Р/с: 2021 0000 504 272 552 001 | АКБ «Инвест финанс банк» Ферганский городской филиал<br>ИНН: 202529457<br>Р/с: 20210000203767618001 | ОАКБ «Турон банк» ЦОУ<br>МФо 00446 ИНН: 300017720<br>Р/с: 20210000204546027001 |

6. Тендерные предложения должны быть представлены:
По вышеуказанному адресу
До истечения крайнего срока подачи предложения: **Согласно даты указанной в перечне контрактов**
Необходимо представить декларацию для тендерного предложения.
Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:

| Совет Министров Республики Каракалпакстан | Хокимият Кашкадарьинской области | Хокимият Самаркандской области |
|---|---|---|
| Адрес: г. Нукус, ул. Гарезсизлик, 50<br>Телефон: +0 (361) 222-74-12<br>Факс: +0 (361) 222-74-12 | Адрес: г. Карши, площадь Мустакиллик, 1.<br>Телефон: +0 (375) 221-02-38<br>Факс: +0 (375) 221-11-10 | Адрес: г. Самарканд, площадь Куксарой, 1.<br>Телефон: +0 (366) 233-25-93<br>Факс: +0 (366) 233-25-93 |
| **Хокимият Сурхандарьинской области** | **Хокимият Ферганской области** | **Хокимият Ташкентской области** |
| Адрес: г. Термез, площадь Ат-Термизий, 1.<br>Телефон: +0 (376) 224-24-83<br>Факс: +0 (376) 224-24-83 | Адрес: г. Фергана, ул. А.Навои, 15<br>Телефон: +0 (373) 224-33-77<br>Факс: +0 (373) 222-33-77 | Адрес: г. Нурафшон, Хокимият<br>Телефон: +0 (371) 232-80-47<br>Факс: +0 (371) 232-80-42 |

7. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:

| Протяженность дороги | Требуемый среднегодовой оборот в строителсттве (сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (сум) | Опыт работ в схожих контрактах (сум) | Земляные работы, выполненные за последные 3 года ($м^3$) | Бетонные работы, выполненные за последные 3 года ($м^3$) | Работы по асфальтированию дорог, выполненные за последные 3 года ($м^2$) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 500 000 000,0 | 150 000 000,0 | 400 000 000,0 | 800,0 | 100,0 | 2 000,0 |
| 2 км | 1000 000 000,0 | 300 000 000,0 | 800 000 000,0 | 1 600,0 | 200,0 | 4 000,0 |
| 3 км | 1 500 000 000,0 | 450 000 000,0 | 1 200 000 000,0 | 2 400,0 | 300,0 | 6 000,0 |
| 4 км | 2 000 000 000,0 | 600 000 000,0 | 1 600 000 000,0 | 3 200,0 | 400,0 | 8 000,0 |
| 5 км | 2 500 000 000,0 | 750 000 000,0 | 2 000 000 000,0 | 4 000,0 | 500,0 | 10 000,0 |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращаются в закрытом виде.

**ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2018/2**
**ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ**
**Программа «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**
**ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ**

| № лота | Район | Массив | Протяжённость подъездных и внутримассивных дорог (км) | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| КФР-36 | Амударьинский | Олмазор, Янгиабод-1, Янгиабод-2, Янгиабод-3 | 2,845 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-37 | Берунийский | Аскар, Коккоз, Хорезм | 2,509 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-38 | Караузякский, Кегейлинский, Тахтакупркий, Чимбайский | Бердак, Кутлы макан, Кегейли, Гарезсизлик, Караой, Конши, Кокши кала | 1,471 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-39 | Кунградский, Муйнакский | Канлы, Мынжарган, Таллы-озяк | 1,571 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-40 | Нукусский | Узынкуль-3, Акмангит, Акмангит | 2,431 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-41 | Турткульский | Уллыбаг | 1,713 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-42 | Шуманайский, Ходжейлинский, Тахиаташский, Канликульский | Таза базар, Тазабаз, Тоскопир, Кун нуры, Жана Кунград, Жайхун, Жайхан, Найманкуль, Дустлик | 2,382 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-43 | Элликалинский | Элликкала, Наваий, Окчакуль, Амиробод | 2,640 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| **Итого Республика Каракалпакстан** | | | **17,562** | |
| КФР-44 | Дехканабадский, Гузарский, Камашинский | Узбекистан, Амир Темур, Буюк Карвон йули, Окгузар | 3,162 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-45 | Миришкарский, Касбинский, Нишанский, | Янги Миришкор, Дустлик, Хужа Касби-1, Тинчлик, Нурстан, Янгихаёт, Бунёдкор | 2,187 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-46 | Мубарекский, Касанский | Бобур, Курувчилар, Арабхона, Навруз, Бойгунди-1, Богунди-2, Насаф | 2,976 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-47 | Китабский | Хужаиспароз, Рускишлоги, Янгиабад, Янгиабад, Алакуйлик, Корабулак, Бештерак | 4,385 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-48 | Шахрисабзский | Келдихаёт, Мираки, Дустлик, Дукчи, Шовкан, Кумкишлок, Тудамайдон | 5,312 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| КФР-49 | Чиракчинский | Дам-2, Корабурук, Зарбдор, Хужакурган, Куктош, Кукдала, Жар | 3,288 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| КФР-50 | Яккабагский | Кутонтепа, Айгиркул, Куштегирмон, Кушчинор, Гуржоб, Хужаилгор | 3,270 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| КФР-51 | Каршинский | Богобод, Батош, Яккаёгоч, Човкай, Ковчин | 9,113 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| **Итого Кашкадарьинская область** | | | 33,693 | |
| КФР-52 | Пастдаргомский | Олти кахрамон, Янгиобод, Катортерак, Гузалкент, Камолат, Катортерак, Эски Жума | 3,466 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-53 | Пахтачинский, Нарпайский, Каттакурганский | Жахонобод-1, Амиробод, Жахонобод, Жахонобод, Ногорахона, Нарпай, Нарпай, Пайшанба | 2,633 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-54 | Каттакурганский, Тайлякский | Пахтакор, Корадарё, Пайшанба-1, Сарой, Зарафшон, Каттаминг, Пайшанба, Сарой, Сочак, Хужакишлок | 2,967 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-55 | Жамбайкий, Булунгурский, Тайлякский | Узуновул, Бешбола, Наймантепа, Хошдала, Узуновул, Губдин, Хатча, Булунгур, Богизагон, Шупалат, Сарой, Ялангоч, Жумабазор, Хитойюз, Шопулат, Тайлок | 5,217 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-56 | Иштиханский, Кушрабадский | Кайчили, Бодой, Файзиобод, Кайчили, Бодой, Заркент, Куролос, Куролос | 4,047 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| КФР-57 | Нурубадский | Нуробод, Жом | 2,315 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| КФР-58 | Окдаринский, Пайарский | Янгихаёт, Кушёгоч, Мустакиллик, Моковок, Дахбед, Бунёдкор, Бирлашув, Янгихаёт, Х.Исмоил | 3,285 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| КФР-59 | Самаркандский | Гулобод, Паррандачилик, Ок Буйро, Андижони, Янгиарик-1, Янгиарик, Навобод, Навобод-1, Гулобод | 2,997 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| КФР-60 | Самаркандский | Зарафшон, Ф.Косимова, Миришкор, Ф.Косимова | 2,697 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| КФР-61 | Ургутский | Мерганча, Бойбул, Урамас, Алгар, Богишамол, Кенагас, Мерганча, Богишамол, Алгар | 4,355 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| **Итого Самаркандская область** | | | **33,979** | |
| КФР-62 | Ангорский, Байсунский, Музрабадский, Шурабадский | Янги турмуш-1, Омонтепа, Мустакиллик-1, Мутакиллик-2, Нурли хаёт, Чумишли, Гурин гиламбоб | 4,515 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-63 | Термизский | Амударё спорт сагломлаштириш маркази, Учкизил | 2,585 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-64 | Денавский | Намуна, Хазарбог, Водий | 2,783 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-65 | Жаркурганский, Кизирикский, Термезский | Кораенток, Коракурсок, Етимкул, Шодлик, Нурафшон | 2,948 | 15 ноября 2018 года 11:00 |
| КФР-66 | Узунский, Олтинсайский, Сариасинский | Янги куч, Ипок, Ипок, Буйрапушт, Шарк юлдузи | 3,297 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-67 | Шурчинский, Кумкурганский | Дустлик, Жийдали-2, Янгишахар-2, Богоро | 3,460 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| **Итого Сурхандарьинкая область** | | | **19,588** | |
| КФР-68 | Куштепинский, Кувинский | Хумдон, Гиштон, Дурмон, Тинчлик, Кайкуббод, Мингчинор | 2,092 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-69 | Бувайдинский, Риштанский, Ташлакский | Куштепа, Марказ, Дахбед, Туда, Бешкургон, Субвоши | 2,088 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-70 | Риштанский | Янгийул | 2,007 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-71 | Ферганский | Илгор-6, Миндонобод-4 | 3,449 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-72 | Ферганский, Ёзевонский | Миндонобод-6, Бахор, Тошховуз | 2,911 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| КФР-73 | Бешарикский, Фуркатский, Узбекистанский, Бувайдинский | Халклар дустлиги, Янги кишлок, Казаккургон, Чиркай, Хайдаробод, Хаётобод, Янгихаёт, Маслахат, Дехконобод | 2,715 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| КФР-74 | Багдадский, Сухский | Дустлик, Иттифок, Ойдинбулок, Тул, Истиклол | 2,348 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| КФР-75 | Олтиарикский | Наваий, Капчугай, Кизилтепа | 2,459 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| КФР-76 | Дангаринский, Учкуприкский | Навбахор, Пишкарон, Муллазоир, Мехнатобод | 3,034 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| **Итого Ферганская область** | | | **23,103** | |
| КФР-77 | Бекабадский, Букинский | Бағишамол, Такачи, Й.Хаджиматов, Ачамайли, Истиклол, Жагалабайли | 3,415 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-78 | Бустанлыкский, Паркентский, Юкоричирчикский | Истиклал, Дахана, Сойлик, Намуна, Истикбол, Чинорбулок, Жумабазар, Янгиобод, Истиклол, Сари-Қанли, Абай, Қоронкўл, Жовгашти, Нурли замин, Қизилсой, Барданкўл, Истиқлал-1, Истиқлал-2 | 10,803 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-79 | Зангиатинский, Ташкентский | Тариктешар, Туркистан, Улуғбек, Гишт-кўприк, Хасанбой, Туркистон, А.Наваий | 3,520 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-80 | Кибрайский | Шалола, Янги авлод, Мехнат, Байтқўрғон, А.Темур | 4,354 | 15 ноября 2018 года 12:00 |
| КФР-81 | Янгиюльский | Туябугиз, Коратепа, Янгийул, Ислохат, Гулбахор, Бахор | 2,664 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| КФР-82 | Чиназский, Куйичирчикский | Бирлик, Сахибкор, Бирлик, Тукбой, Сурум, Ибрат, Уч-чинор, Тонги Юлдузи | 4,770 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| КФР-83 | Аккурганский, Уртачирчикский, Ахангаранский, Пискентский | Султанабад, Кутарма, Шоликор, Тошлоқ, Нуробод телов, Навои | 4,884 | 15 ноября 2018 года 14:00 |
| **Итого Ташкентская область** | | | 34,410 | |
| **ВСЕГО:** | | | **152,706** | |



БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Жиззах вилояти ҳокимлиги
«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси
2018 йил Дастурига киритилган қуйидаги объект бўйича
тендер ўтказилишини эълон қилади!

Самарқанд тумани «Янгиариқ» маҳалласидаги 23-мактабгача таълим муассасаси биноси қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

# Боғча ҳомийлар кўмагида янгиланди




– Бино қирқ йил аввал қурилган бўлиб, анча таъмирталаб ҳолга келиб қолган эди, – дейди туман мактабгача таълим бўлими мудираси Д. Азизова. – Маҳаллий бюджет ва ҳомийлар кўмагида боғчамиз замонавий кўринишга келди. Ташкил этилган тўртта гуруҳда 100 нафар болажон қалби қувончга тўлиб, таълим олмоқда. Хоналарни Корея тажрибасини қўллаган ҳолда жиҳозладик.

Боғчада ётоқхона ва машғулот хонаси битта бўлиб, ётоқ жиҳозлари устма-уст ҳолда хонанинг бир чеккасига тахлаб қўйилади. Боланинг ихтиёрий машғулотлар олиб бориши учун илғор технологиялар асосидаги ўйин бурчаклари ташкил этилган.

Вилоят ҳокимлиги матбуот хизматининг хабар беришича, Самарқанд туманида жорий йилда учта мактабгача таълим муассасаси янги қиёфада фойдаланишга топширилган. Йил якунигача яна бешта боғча очиб, тумандаги болалар қамровини 600 нафарга ошириш режалаштирилган.

**Ўз мухбиримиз.**

# Мактабгача таълим муассасасида меҳмонхона

Навоий вилояти ҳокимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, бугунги кунда вилоятда 7 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият юритаётган бўлиб, уларда 85 мутахассис 263 нафар кичкинтойни тарбиялаб келмоқда. Ўз навбатида, 120 нафар навоийлик тадбиркор шу йилнинг ўзида нодавлат ва давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш таклифини билдирган.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 июнда эълон қилинган «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, мазкур турдаги нодавлат муассаса ташкил этаётган тадбиркорга тижорат банклари томонидан 15 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 1 фоиз ставка бўйича кредит ажратилиши белгиланди. Айни пайтда вилоятда бу каби имкониятдан фойдаланиш истагини билдираётган тадбиркорлар сафи ортиб бормоқда.

Кармана тумани «Сардоба» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган «Қалдирғоч» нодавлат мактабгача таълим муассасасининг фаолият бошлаганига кўп бўлмади. Ҳудуддаги фойдаланилмай келинаётган бино тадбиркор Отабек Қудратов саъй-ҳаракати билан қайта реконструкция қилингач, бу ерда 100 ўринга мўлжалланган замонавий таълим муассасаси қурилди. Бунинг учун банк кредити ва ташаббус эгасининг ўз ҳисобидан 2,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Боғчада машғулотлар асосан рус ва инглиз тилларида ўтказилади. Шунингдек, болаларнинг спорт билан шуғулланиши ва интеллектуал салоҳиятини ўстирувчи қизиқарли ўйинларда иштирок этишига алоҳида эътибор қаратилган. Таълим муассасасида 15 нафар малакали педагог ва тарбиячи фаолият юритади.

– Ота-оналарга қулайлик яратиш мақсадида Навоий шаҳри ва Кармана тумани ҳудудида тарбияланувчилар учун бепул автобус қатнови йўлга қўйилди, – дейди муассаса мудираси М. Мўйинова. – Бундан ташқари, бу ерда болалар меҳмонхонаси ҳам мавжуд бўлиб, иш ва зарурат юзасидан узоқ сафарга кетаётган ота-онанинг мурожаатига кўра кеча-кундуз бола парваришини зиммамизга оламиз.

Айни кунларда тадбиркор яна бир хайрли ишга қўл урди. Мактабгача таълим муассасаси ҳудудидаги бўш турган кичик ер майдонида иссиқхона барпо этилмоқда. Энди бола организми учун фойдали помидор, бодринг каби сабзавотлар ва турли кўкатларни шу ернинг ўзида етиштириш имконияти бўлади.

Шу ўринда яна бир янгилик. 2018 йил 30 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолияти бўйича рухсатнома бериш тартиби тўғрисида низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, энди қишлоқ жойларда давлат-хусусий шерикчилик асосида оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари ташкил этиш мумкин. Мазкур турдаги масканларга 3-7 ёшли болалар қамраб олиш, оилавий нодавлат МТМда тарбияланадиган болалар сони 7-12 нафаргача бўлиши назарда тутилган.

Шунингдек, кичик муассаса фаолияти учун лицензия олиш талаб қилинмайди ва бу лойиҳа ташаббускори тақдим этган ҳужжатларни ўрганиш асосида, тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Бу эса ёш авлодни соғлом ва етук вояга етказиш, уларнинг қалбида халқимизнинг юксак маънавияти ҳамда инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғуларини шакллантириш баробарида мамлакатимизда хусусий секторнинг янада ривожланишини таъминлаб, мактабгача таълим муассасаларининг тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

**Ўз мухбиримиз.**

# Нобель мукофоти совриндори – институт фахрий доктори

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида «Йўл қопламаларини барқарор бошқариш тизимларини яратиш жараёнининг муаммолари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.



Автомобиль йўллари давлат қўмитаси матбуот хизматидан берилган маълумотга кўра, маҳаллий ва хорижий соҳа вакиллари таклиф этилган ушбу тадбирда мамлакатимиздаги автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш ишларига комплекс ёндашувни ташкил этиш, бу борада хорижий алоқаларни йўлга қўйиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қаратилган долзарб масалалар муҳокама этилди.

Семинарда илк бор Сингапур миллий университети профессори, «Энг яхши мақола» номинацияси бўйича Нобель мукофоти совриндори, бир неча нуфузли академиялар академиги, Сингапур йўл қопламалари уюшмаси президенти Фуа Тин Фанг ва Хитойнинг Чаньан университети профессори Чу Лонгжиа иштирок этди.

Анжуманда жаноб Фуа Тин Фангга Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг фахрий доктори унвони берилди.

# Сообщение Центрального банка Республики Узбекистан

**Центральный банк Республики Узбекистан установил с 16 октября 2018 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных и других обязательных платежей *)**

1 доллар США – 8208,04
1 ЕВРО – 9490,14
1 российский рубль – 123,85
1 фунт стерлингов – 10795,86
1 южнокорейская вона – 7,26
1 японская йена – 73,16
1 малайзийский ринггит – 1976,41
1 китайский юань – 1186,44
1 швейцарский франк – 8280,08
1 дирхам ОАЭ – 2235,00
1 египетский фунт – 458,55
1 австралийский доллар – 5841,66
1 турецкая лира – 1398,04
1 сингапурский доллар – 5959,08
1 СДР – 11468,77
1 канадский доллар – 6303,69
1 украинская гривна – 294,09
1 польский злотый – 2208,96
1 кувейтский динар – 27093,71

***) Курсы установлены без обязательств Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данному курсу.**


## БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2018 йил Дастурига киритилган қуйидаги объект бўйича тендер ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| Объект номи | Бошланғич қиймат, минг.сўм | | Ишларни туғаллаш муддати |
|---|---|---|---|
| | ҚҚС сиз | ҚҚС билан | |
| «Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалини (I босқич) реконструкция қилиш (2 қаватли қабул-ташхис бўлими жарроҳлик блоклари қурилиши билан)» объекти | 10 141 640,195 | 12 169 968,234 | 420 кун |

**Молиялаштириш: «Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш»** жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачининг манзили: Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 100-уй.

Телефон: 72 222-46-40, 72 222-26-41, 72 222-29-96.

**Тендерда иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** тендер предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Тендерда маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг тендер таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган:** оферентларнинг тендер таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Тендерда қатнашиш ва тендер ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан тендер ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Жиззах вилояти ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах ш., И. Каримов шоҳкўчаси, «Medstar» клиникаси ёнидаги бино. Тел/факс: 72 226-14-66.

**Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи** – 250 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

**Оферталарни тендер ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати** – оферталар очилиш куни ва соатигача.

Тендер эълон матбуотда чоп этилганидан 14 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш., И. Каримов шоҳкўчаси, «Medstar» клиникаси ёнидаги бино. (Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази мажлислар зали).

## ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

### такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

ТИФ Миллий банк қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖнинг 2018 йил 12 октябрдаги 1356-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги мулклар такрорий очиқ аукцион савдоларига чиқарилмоқда:

1. Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги «Оқтепа деҳқон бозори» 1-қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. **Умумий майдони** 7000,0 кв.метр, **қурилиш майдони** 6913,0 кв.метр, 5 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси –** 2 242 071 000 сўм.

2. Жиззах вилояти, Арнасой туманидаги «Арнасой деҳқон бозори» 1-қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. **Умумий майдони** 5600,0 кв.метр, **қурилиш майдони** 995,9 кв.метр, 3 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси –** 416 940 000 сўм.

3. Фарғона вилояти, Қувасой шаҳридаги «Қувасой деҳқон бозори» 1-қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. **Умумий майдони** 4870,0 кв.метр, **қурилиш майдони** 700,9 кв.метр, 5 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси –** 1 270 537 000 сўм.

4. Жиззах вилояти, Зарбдор туманидаги «Зарбдор деҳқон бозори» 1-қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. **Умумий майдони** 5600,0 кв.метр, **қурилиш майдони** 991,4 кв.метр, 4 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси –** 2 443 079 000 сўм.

5. Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги «Зафар деҳқон бозори» 1-қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. **Умумий майдони** 5600,0 кв.метр, **қурилиш майдони** 899,3 кв.метр, 4 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси –** 1 827 170 000 сўм.

6. Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги «Ховос деҳқон бозори» 1-қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. **Умумий майдони** 5600,0 кв.метр, **қурилиш майдони** 892,0 кв.метр, 9 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 1 962 303 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 31 октябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1«А»-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Савдо бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолари 2018 йил 5 ва 12 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш ҳамда шартнома тузилган кундан бошлаб 60 календарь кун ичида мулк учун тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиалидаги 22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 х/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

**Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил;** Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1«А»-уй.

**Тел.:** (0371) 228-80-27. www.1kms.uz.

**Электрон почта:** kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

*Лицензия RR-0001.*

## «QASHQADARYO UNIVERSAL AVTOTRANS SERVIS» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2018 йил 12 октябрь 12-04-66-сонли хатига асосан, Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг балансида бўлган қуйидаги техник ҳолати носоз автотранспорт воситалари аукцион савдога қўйилмоқда:

1. «Матиз» русумли, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 456 CAA, техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси –** 14 008 000 сўм.

2. «Газ-3110101» русумли, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 501 CAA, техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси –** 7 039 500 сўм.

3. «Ласетти» русумли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 212 CAA, техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси** – 33 300 000 сўм.

Аукцион савдо 2018 йил 20 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон газетада чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 09:00 дан 16:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Қарши шаҳри, А.Темур кўчаси, 3-уй. (**Мўлжал:** Қарши шаҳар Педагогика коллежи ёнида, 3-алоқа бўлими биноси)да қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилиш 2018 йил 17 ноябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси «Qashqadaryo Universal Avtotrans Servis» МЧЖнинг Қарши шаҳри «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ Қарши филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000800202969001, МФО: 01099, СТИР: 302567463.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан жисмоний шахслар фуқаролик паспорти нусхаси, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси ва корхона устави, агар савдода ишончли вакил иштирок этса, ишончнома тақдим этишлари шарт.

**Мурожаат учун манзил:** Қарши шаҳри, А.Темур кўчаси, 3-уй, 3-алоқа бўлими биноси.

**Мўлжал:** Қарши шаҳар Педагогика коллежи олдида.

**Телефонлар:** 75-225-34-69, 91-227-58-36.

*Хизматлар лицензияланган.*

## Тадбиркор ва сармоядорлар диққатига!

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

ТИФ Миллий банк қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖнинг 2018 йил 12 октябрдаги 1354-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги мулклар очиқ аукцион савдоларига чиқарилмоқда:

Қорақалпоғистон Республикаси, Қонликўл тумани «Қонликўл деҳқон бозори» 1 қаватли мажмуаси. **Умумий майдони** 17000,0 кв.метр, **қурилиш майдони** 2619.6 кв.метр, 5 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 4 152 364 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 16 ноябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1«А»-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Савдо бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолари 2018 йил 21 ва 27 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

– жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш ҳамда шартнома тузилган кундан бошлаб 60 календарь кун ичида мулк учун тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиалидаги 22604000204920609001 х/р.га МФО: 01121, СТИР: 207122519 савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

**Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1«А»-уй.

**Тел.:** (0371) 228-80-27. www.1kms.uz.

**Электрон почта:** kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

*Лицензия RR-0001.*

Тошкент шаҳар, Олмазор туман БТИси томонидан Маннанов Азиз Юнусович номига берилган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, Орзигул берк кўча, 3-уйга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**


## ТУЗАТИШ

«Ўзбекистон бунёдкори» газетасининг 09.10.2018 йилдаги 79 (224)-сонида чоп этилган ««NAVOIY UNIVERSAL REALTOR SERVIS» МЧЖ нарх ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади» эълонининг 2-хатбошисида «Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси» сатридаги «180 000,00 сўм» сўзлари **«226 200 сўм»** деб тузатиб ўқилсин.

Мамлакатимизнинг марказий нашрлари ҳамда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги оммавий ахборот воситалари журналистлари иштирок этган конференцияда, муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.



# Дастур ижроси қандай ёритилмоқда?

## Наманган шаҳрида «Обод қишлоқ» давлат дастури ижроси ОАВ нигоҳида: ютуқлар, муаммо ва ечимлар» мавзусида минтақавий конференция бўлиб ўтди.

Маълумки, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда ҳудудларни ободонлаштириш, аҳоли учун қулай шарт-шароитларни яратиб, улар турмуш маданиятини янада юксалтириш, қишлоқ аҳоли пунктлари меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, маҳаллалардаги таъмирталаб кўчалар ва уйлар ҳолатини яхшилаш, жойларда йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш бўйича кенг ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.









Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йил 29 март куни имзоланган «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги ҳамда жорий йилнинг 27 июнида қабул қилинган «Обод маҳалла» дастури тўғрисида»ги фармонлар, шунингдек, шу фармонлар асосида қабул қилинган қарорлар бу борада журналистларга муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, десак адашмаймиз.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан Наманган вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси, Республика товар-хомашё биржаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда ана шу мавзулар муҳокама қилинди.

Жумладан, Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Алишер Файзуллаев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги масъул ходими Жасур Ҳусанов ва бошқалар мамлакатимизда ахборот соҳасини янада демократлаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича қонунчиликка киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар, ҳудудий ОАВда давлат дастур ва режалари ижроси ҳақида сўз юритиб, бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганини эътироф этдилар.

Мамлакатимизнинг марказий нашрлари ҳамда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги оммавий ахборот воситалари журналистлари иштирок этган конференцияда, муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хусусан, ОАВ ходимларига ҳудудларда кутубхона, дам олиш масканлари, спорт ва болалар майдончаларини ташкил этиш, барпо этилган бино ва иншоотларга зиён етказмаслик, улардан эҳтиёткорона фойдаланишни тарғиб этувчи мақола ва кўрсатувларни тайёрлашга алоҳида эътибор бериш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тадбир доирасида Андижон вилоятининг «Қорасув тонги», Наманган вилоятининг «Истиқлол», Фарғона вилоятининг «Садои Сўх» газеталари таҳририятларига Журналистлар ижодий уюшмаси ва Республика товар-хомашё биржаси ўртасида ташкил этилган «Дўстлар клуби»нинг компьютер жамланмалари топширилди. Бундан ташқари, дастур ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни босма нашрлар, телерадиоканаллар, шунингдек, ОАВ сифатида рўйхатдан ўтган интернет веб-сайтлари орқали ёритган фаол журналистлар фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Конференция иштирокчилари тадбирдан сўнг наманганлик улуғ аллома Исҳоқхон Тўра Ибрат домла ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилдилар. Шундан кейин Тўрақўрғон туманидаги Оқтош қишлоғи мисолида «Обод қишлоқ» дастури ижроси балан танишган анжуман қатнашчилари ташриф ниҳоясида Наманган туманидаги «Ғофуржон ота ОЭФ» кўп тармоқли фермер хўжалиги пахта даласида бўлиб, илғор теримчиларни эсдалик совғалари билан хушнуд этдилар.

Албатта, бу каби тадбирлар бунёдкорлик соҳасидаги ислоҳотлар жараёнини ёриши йўлида меҳнат қилаётган, қалам тебратаётган ижодкорлар учун ҳар тарафлама фойдалидир. Бироқ, уни ташкил этишдаги масалалар ҳам кўнгилдагидек амалга оширилса, мақсад мувофиқ бўларди. Ҳар ҳолда конференцияга бош ташкилотчи бўлган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан соҳа фаолиятини кенг ёритишга хизмат қилаётган айрим нашрларнинг таклиф этилмагани, тадбирда билдирилган фикр мулоҳазаларнинг аксариятида дастур ижросини ёритишга эмас, аксинча журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонун ҳужжатлари мазмун моҳиятига кўпроқ урғу берилгани ана шундай хулосага келишимизга мажбур этди.

Ўйлаймизки, ташкилотчилар томонидан бу каби тадбирларни ўтказишга, шу орқали давлат дастурлари ижроси ҳақида ахборот беришни ҳамда маълумотлар савиясини янада яхшилашга кўпроқ эътибор қаратилади.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
**«O`zbekiston bunyodkori» махсус мухбири.**

2018 йилнинг 20 июль куни Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамда Қирғизистон Республикаси қурилиш ва қурилиш материаллари ходимлари касаба уюшмаси Республика қўмитаси билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича Меморандум имзоланган эди.

# Халқаро муносабатлар ривожланмоқда

Мазкур Меморандум асосида 2018 йил 27 – 29 сентябрь кунлари Қирғизистон Республикаси қурилиш ва қурилиш материаллари саноати ходимлари касаба уюшмаси томонидан ташкил этилган «Ёш касаба уюшмалари фаоллари мактаби» шиори остида ўтказилган Қурувчилар уюшмасининг V халқаро ёшлар форуми»да Ўзбекистон транпорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмасининг бир гуруҳ ёш вакиллари иштирок этдилар.

Мазкур форум иштирокчилари Қирғизистон Республикаси «Қурувчи» Касаба уюшмаси раиси Токтогул Султакеев, Касаба уюшмаси ходими Елена Рубцова, шунингдек Ўзбекистон касаба уюшмаси вакили, гуруҳ раҳбари Шуҳрат Анорбоевнинг соҳадаги янгиликлар тўғрисида маълумотлари баён этилган маърузалари тингланди. Мазкур маърузалар давомида амалий мисоллар билан тармоқ ёшларнинг касаба уюшмаси томонидан берилган топшириқларга фаол ёндашаётганлиги ҳамда касаба уюшмаси томонидан ёшларнинг қўллаб-қувватлашга доир дастурларни бажарилиши бўйича мисоллар келтирилди.

Форумда фаол иштирок этган Ўзбекистонлик вакилларига Қирғизистон Республикаси «Қурувчи» Касаба уюшмаси томонидан сертификатлар ҳамда дипломлар топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу форум давомида Ўзбекистон вакили бўлган Дилбар Жонибекова ўзининг талабчан, тиришқоқлиги ва берилган вазифаларга сидқидилдан ёндашувчанлиги билан ҳаммадан ажралиб турди.

Юқори савияда ташкил этилган мазкур форум ва амалий дастурларда орттирилган малака ва кўникмалар келгусида Касаба уюшмаси фаолиятига янгича ёндошув ва ёшлар учун ташки этилаётган тадбирлар ва уларнинг қўллаб қувватлаш доирасида амалга оширилаётган вазифалар ва кафолатларни таъминланиши бўйича ўз фаолиятларини ташкиллаштиришда керакли омил вазифасини бажаради.

**Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ахбороти асосида тайёрланди.**

# Ота касбини улуғлаб

Самарқандда қурувчилар сулоласи ҳақида гап очилгудек бўлса, кўпчилик ҳеч иккиланмасдан пастдарғомлик Салимовлар хонадонини тилга олиши шубҳасиз. Оила сардори Абдували ота ўтган асрнинг 60-йилларида бинокорлик касбини эгаллаб, шу соҳанинг чинакам жонкуярига айланган, шуҳрат қозониб, эл-юрт назарига тушган эди.

Яратувчининг меҳнати одамга ҳурмат-эътибор олиб келишини ўшандаёқ англаб етган фидойи инсон укалари, фарзандлари, ҳатто қишлоқдошларини ёнига чорлаб иш ўргатди, турли хил қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариб, халқ хўжалиги ривожига муносиб улуш қўшди, оилалар дастурхонига файз киритди.

Тажрибали мутахассис Абдували Салимовнинг кенжа фарзанди Сундуржон ҳам шу соҳага меҳр қўйиб ўсди, ёшлигидан бинокорлик илми сир-асрорларини чуқур ўрганиб борди. Ота касбини улуғлаб, давом эттириб кам бўлмаётир.

У 1998 йилда муҳандис-механик ихтисослигини эгаллаб, иш фаолиятини «САЯН» масъулияти чекланган жамиятида оддий ишчиликдан бошлади. Амал пиллапояларини бирин-кетин босиб ўтиб, талабчан, жонкуяр раҳбар даражасига етди. Топширилган иш учун юксак масъулият ҳис этиб, бой ҳаётий тажрибаси, устозлар ўгитига таяниб, самарқандлик қурувчиларнинг катта кўмакдошига айланди. У айни пайтда 120 киши меҳнат қилаётган «Темир-бетон конструкциялари комбинати» МЧЖнинг директори ўринбосари. Изланиш, янгилик яратиш бош шиорига айланган.

– Биз ҳозирги кунда йигирмага яқин турдаги замонавий қурилиш конструкцияларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз, – дейди ёш мутахассис С. Салимов. – Маҳсулотларимизга талаб катта. Самарқандда бунёд этилаётган кўплаб иншоотларда ходимлар меҳнати мужассам топганлигидан фахрланаман. Яқинда яна бир янгиликка қўл урдик. Бельгиянинг «ESNP» фирмаси билан шартнома тузиб, жаҳон андозаларига мос технология олиб келиб ўрнатдик. Бу эса фаолиятимизни янада кенгайтириш, қурилиш учун зарур янги маҳсулотлар тайёрлаш имконини яратди.

Муҳими, маҳаллий корхоналарда қад кўтараётган иморатларнинг мустаҳкамлигини ва нархи нисбатан арзонлигини таъминлашга, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Сундуржоннинг келажакдаги режалари ҳам катта. Бунинг учун ҳозирдан тамал тоши қўйиб бораётгани ўз мевасини бериши шубҳасиз. Дарвоқе, С. Салимов меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланаётганлигини таъкидлаш жоиз. Қурувчиларнинг касб байрами арафасида Президентимиз фармони билан унга «Шуҳрат» медали топширилганлиги фикримизнинг исботидир.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

Бунёдкорлик

# «Фарҳод» савдо мажмуаси янгиланмоқда

Қарши шаҳридаги қурилиш ашёлари ва уй жиҳозлари сотишга ихтисослашган «Фарҳод» савдо мажмуасида қурилиш-таъмирлаш ва реконструкция ишлари олиб борилмоқда.





«Амир Темур» хусусий корхонасига қарашли мазкур «Фарҳод» савдо мажмуаси 2001 йилдан буён фаолият кўрсатиб, аҳоли эҳтиёжи юқори бўлган турли маҳсулотлар савдосини йўлга қўйиб келмоқда. Сир эмаски, бугунги кунда аҳоли уй-жой қуриш ва жиҳозлашда энг замонавий ва қулай кўринишдаги қурилиш материалларидан фойдаланишга интилмоқда. Йилдан-йилга қурилиш ашёлари дизайни ҳам янгиланиб, ўзгариб бораяпти. Бу эса мажмуада савдо дўконлари сонини кўпайтириш ҳамда савдо майдонларини янада кенгайтиришни тақозо этаяпти.

– 2017 йилнинг май ойидан 2018 йилнинг октябрь ойига қадар давом этган қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланиш арафасида, – дейди «Амир Темур» хусусий корхонасига қарашли «Фарҳод» савдо мажмуаси раҳбари Фарҳод Рўзиев. – Энг муҳими, бу ерда қурилаётган дўконларнинг ташқи дизайни ҳамда харидорлар учун ҳар тарафлама қулай бўлишига катта эътибор қаратилди. Дўконлар оралиғидаги йўлларга текис тош ётқизилиб, ёмғир сувлари оқиб кетадиган махсус ариқчалар барпо этилди. Ҳозирги кунда 181 нафар тадбиркор савдо дўконига эга бўлди. Бу олдингига нисбатан 56 та савдо дўкони кўп демакдир. Яъни шунча тадбиркор янги иш ўрни билан таъминланди.

Бозор мажмуасида реконструкция ишларини олиб бориш мақсадида акциядорлик-тижорат «Турон» банкнинг Қарши шаҳридаги бўлимидан 2 миллиард сўм миқдорида кредит олинди. Кредит маблағларидан мақсадли фойдаланилгани боис, бозор кўркам ва чиройли кўринишга эга бўлиб бормоқда.

«Фарҳод» савдо мажмуаси ёнгинасида жойлашган «Самарқанд» автошоҳбекати ҳудудидан «Савдо Саодат мажмуаси» масъулияти чекланган жамиятига Қарши шаҳар ҳокимининг 2017 йил 25 майдаги Х-1109/5-сонли қарори асосида 1,53 гектар ер ажратиб берилди. Айни пайтда мазкур майдонда ҳам савдо дўконлари қуриш ишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Ҳозирга қадар бу ерда 50 та савдо дўкони қуриб битказилди. Мазкур масъулияти чекланган жамиятга қарашли савдо дўконларини барпо этишда «Амир Темур» хусусий корхонаси инвестор сифатида иштирок этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, илгари савдо дўконлари кичик, йўлаклари тор ва кўриниши ҳаминқадар бозор ўрнида замонавий, кўркам ва маҳобатли савдо мажмуаси қад ростламоқда. Албатта, бу муҳташам мажмуа халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади. Бозорларни барака бешиги, деб бежизга айтишмайди. Зеро, янгича кўриниш касб этаётган «Фарҳод» савдо мажмуаси ҳам халқимизнинг яхши кунларига, эзгу ният билан бошлаган ишларига эш бўлишига ишонамиз.

**Сайид МЕЙЛИЕВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# В Учкудуке появится озеро

Как сообщает пресс-центр НГМК, во время визита в Навоийскую область в марте текущего года Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев поручил руководству Навоийского горно-металлургического комбината возвести в городе Учкудук зону массового отдыха для населения.

На сегодняшний день специалистами Навоийского горно-металлургического камбината разработана смета проекта строительства в Учкудуке озера «Учкудук». На это будет направлено 13 миллиардов сум. Общая площадь искусственного озера составит 10 гектаров. Здесь появится возможность отдыха, как на воде, так и на суше. Также можно будет кататься на катамаранах и лодках, проводить прогулки по берегу. Кроме того, здесь для местного населения возведут парк отдыха, музыкальный фонтан, точки общественного питания, волейбольную и теннисную площадки и берег для купания.

Строительство озера в центре Учкудукского района даст возможность повторного использования воды, являющейся дефицитом в данной местности. Живительная вода имеет важное значение в озеленении города и улучшении микроклимата территории.

**Наш корр.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Абдумуталлиб Ўктамов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Дилфуза Хабибова

Таҳририят ҳамкорлари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш ва лойиҳалаш институтлари.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (қабулхона) 71-244-21-71, (котибият) 71-244-05-15 (факс), 71-244-15-13, (бухгалтерия) 71-244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 71-244-21-71, 71-244-40-68 (факс).
E-mail: uzbunyodkor@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қашқадарё вилояти бўйича: 90-720-33-03.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 93-466-74-84.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1007.
2349 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – А. Ўктамов.
Навбатчи – А. Турсунов.

ЎзА якуни – 22.50. Топширилди – 00.30.